

# “ТАСДИКЛАЙМАН”



«Худудгаз Андижон» газ таъминоти

филиали директори:

Д.Салоҳиддинов.

«Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали тасарруфида бўлган ISUZU NQR 71 PL русумли маҳсуе автотранспорт воситаларини жорий ва мукаммал таъмирлаш бўйича фаолият юзасидан техник хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилини.

## ТЕХНИК-ТОПШИРИК

### 1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

Буюртмачи: «Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали  
Ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик Жамияти  
Манзил: Андижон шаҳар Бобур шох кўчаси 1-уй  
Директор: Д.Салоҳиддинов

«Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали тасарруфида бўлган ISUZU NQR 71 PL русумли маҳсуе автотранспорт воситаларини жорий ва мукаммал таъмирлаш хизмати бўйича техник хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилиш лозимлиги, танлов Е-тендер конкуре электрон сайти орқали келиб тушган мақбул таклифни танлаш орқали амалга оширилиши лозим. Ушбу кўрсатилган хизматлар яъни ISUZU NQR 71 PL русумли маҳсуе автотранспорт воситаларини жорий ва мукаммал таъмирдан чиқаришлик хизмати учун шартноманинг максимал нархи 990 000 000 миллион сўмдан ошмаслиги керак.

### 2. ТАНЛОВ МАҚСАДИ:

«Худудгаз Андижон» газ таъминоти филиали тасарруфида бўлган ISUZU NQR 71 PL русумли маҳсуе автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

- Ижрени давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли руҳсанномага ҳамда малакали мутахассисларга эга бўлиши лозим.
  - Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сифатига жавоб бериши шарт.
  - Иштирокчи танловда иштирок этиши учун, танлов ҳужжатлари талабига мувофиқ, қуйидаги маълумот ва ҳужжатларни электрон шаклда такдим этиши лозим:
- Танловда катнашиш тўғрисида мувожаат.
  - Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома.

1-шакл. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлов иштирокчисининг охириги уч йиллик иш тажрибаси.

4-шакл. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

5-шакл. Танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа корхоналар билан шартномалари.

6-шакл. Хужжатларни имзолаш ва конкуреда қатнашини ҳуқуқини берувчи ишончнома.

#### **4. БОШҚА ШАРТЛАР.**

4.1. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- Иштирокчи бевосита буюртмачининг танловда иштирокчиларнинг танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасига кўра ўз фойдасига ҳал қилишни учун таъенр ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда.
- Иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

#### **5. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.**

5.1 Шартнома имзолагандан сўнг 10 банк иш куни ичида 15 % олдиндан тўлов, қолган тўловлар счёт-фактурага асосан ойма-ой амалга оширилиб борилади.